

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ ВА ЧОЛҒУЛАРИНИНГ ЭСТРАДА САНЪАТИДАГИ ЎРНИ ҲУСУСИДА

Чинора Эргашева
Ўзбекистон давлат консерваторияси

Аннотация: XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятида янги қатлам - эстрада санъати вужудга келди. Эстрада жанридаги кўшиқларни аранжировка қилишда ижодкорлар халқ чолғуларидан кенг фойдаланмоқдалар. Замонавий ўзбек эстрада санъатида миллий мусиқа анъаналари ва чолғуларининг қўлланиши асарларга ёрқин бўёқ ва беътакроп руҳият беради (бағишлайди).

Калит сўзлар: эстрада мусиқаси, жанр, чолғу, фольклор мусиқа, аранжировка, Ботир Зокиров, ансамбль

THE ROLE OF UZBEK NATIONAL MUSICAL TRADITIONS AND INSTRUMENTS IN POP ART

Chinora Ergasheva
State Conservatory of Uzbekistan

Abstract: In the musical culture of Uzbekistan in the 60s of the 20th century, a new direction emerged - pop music. When arranging pop songs, musicians widely use folk instruments. The use of national musical traditions and instruments in the modern Uzbek musical stage gives the works a bright color and unique spirit.

Keywords: pop music, genre, musical instrument, folk music, arrangement, Botir Zakirov, ensemble

Ҳар қандай халқнинг урф-одатлари, ҳаёт тарзи, жумладан мусиқий мероси ҳам ҳудуднинг табиати, иқлимий шароитларига боғлиқ эканлигини кузатишимиз мумкин. Яшаш жойи одамларнинг феъл-атвори, дунёқарашлари ва фалсафасига таъсир кўрсатади. Инсоният маънавий дунёсининг бир қисми бўлмиш мусиқа санъати ҳам юқорида кўрсатилган шароитлар таъсири остида шаклланиб, мусиқа чолғулари миллий ўзига хосликни кўрсатиб берувчи ифода воситаларига айланди.

Қадимдан миллий чолғуларнинг амалий ва назарий жиҳатлари олимлар диққатини жалб этиб, мусиқага доир бўлган рисоаларда ўз аксини топган. Масалан, Дарвеш Али Чангийнинг “Рисолаи мусиқа”сида келтирилган ҳар бир мусиқий чолғу инсонларнинг ташқи қиёфаси, феъл-атвори ҳамда, табиатига

қиёсланиб тавсиф берилган. [4] Асрлар оша, мусиқа оламида ҳар бир чолғу у ёки бу белгини тавсифловчи мажозий образларга боғланиб қолди. Метроритм ва усул эса турли ҳиссий ҳолатларни - ғам, қайғу, қувонч, ўйин-кулгу, бахтни ифодалаб, зарбли чолғулар ижросида кўрсатилади. Мажозий образлар дунёси нафақат халқ мусиқасида, балки, мавжуд бўлган барча мусиқий жанрларда - академик композиторлик ижодиётида ҳамда эстрада мусиқаси санъатида ўрин эгаллаганини айтиш мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятида янги қатлам - эстрада санъати вужудга келди. Ўзбек мусиқий эстрадаси мутлақо янги ҳодиса бўлиб,¹ халқ мусиқаси ва композиторлар ижодидаги мавжуд анъаналарни сақлаган ҳолда, жаҳон оммавий мусиқасидан янги ғояларни ўзлаштирди.² Шу нуқтаи назардан, янги эстрада жанридаги кўшиқларни аранжировка қилишда иқтидорли ижодкорлар халқ чолғуларидан кенг фойдаланиб эстрада кўшиқларга ўзгача ранг бағишладилар. Айтиш жоизки, бу давр эстрада кўшиқлари ижрочилари нафақат юртимизда, балки ҳорижда ҳам илиқ кутиб олинди. [6, 7] Ўзбек хонандаларининг чиқишлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида муваффақиятли бўлди. Албатта, бу нафақат кўшиқчилик ва ижрочилик маҳорати, балки композитор ва аранжировкачиларнинг мусиқий асарларни яратишда намойиш этган янгича ғоялари (чолғулаштириш, ритмик суръат кабиларни мисол келтириш мумкин) ва истеъдодига ҳам боғлиқ эди. Бундай кўшиқлар янгича, замон билан ҳамнафас эди. Мисол учун, ўзбек эстрадасининг асосчиси, хонанда Б.Зокировнинг репертуари нафақат ўзбек кўшиқларига, балки жаҳон халқлари кўшиқларига ҳам бой эди. Бундай кўшиқлар ўзбек миллий чолғулари иштирокида қайта чолғулаштирилган бўлиб, янгича талқинда тақдим қилинди.

Хонанданинг машҳур “Араб тангоси” аранжировкасида эстрада симфоник оркестр (ЭСО) чолғулари билан бир қаторда кашқар рубоби оҳанглари эшитиш мумкин. Ушбу кўшиқ Миср композитори Фарид ал-Атраш томонидан ижод этилган бўлиб, 1947 йилда суръатга олинган “Ҳаётим севгиси” деб номланган бадиий фильм учун яратилган ва муаллиф томонидан ижро этилган. Хонанда Б.Зокиров ижросида эса, бу кўшиқ илк бор 1957 йил Москвада бўлиб ўтган Халқаро ёшлар ва талабалар фестивалида янгради. Б.Зокиров ижросидаги кўшиқ композитор Ян Френкель томонидан чолғулаштирилган бўлиб, асл кўринишидан бир мунча фарқ қилади. Асар рақсбоб танго услубида бўлиб, эстрада симфоник оркестри чолғулари ушбу услубнинг ҳиссий оламини (тангони) жуда аниқ ифодалайди, рубоб чолғуси янграши эса кўшиққа арабча тус беради. (араб халқ чолғулари имитацияси). Рубоб яқкаҳон чолғу сифатида ижро

¹ Мусикашунос Н.А.Аманова билан суҳбатдан. 2023 йил. Июль.

² Шу давргача ўзбек мусиқасида бўлмаган услублар ва шакллар назарда тутилмоқда.

этмаган бўлса-да, оркестрдаги бошқа ҳеч қайси чолғу ярата олмайдиган тембрда янграйди ва ўзига хос бўёғи билан ажралиб туради. Рубоб чолғуси партияси асарнинг ўртасида, усул ўзгариши билан боғлиқ қисмида ижро этилади. Ушбу қисмнинг метро-ритмикаси, усули ва лад-парда таркиби кўшиқнинг асоси бўлмиш тангодан кескин фарқ қилади. Мана шу кескинликни ифодалашда чолғулар тембрининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этади ва бу вазифа рубоб чолғуси орқали амалга оширилади. Айтиб ўтиш жоизки, кўшиқнинг бу қисми оригинал ижрода учрамайди.

1960 йилларнинг якунида ташкил топган вокал чолғу ансамллари (ВЧА) ижоди ҳам ўзбек мусиқа муҳлислари ун янгилик эди. Илк вокал чолғу ансамллари, ҳаваскор ёшлардан ташкил топган бўлиб завод ва фабрикалар, мактаб ва университетлар қошида халқнинг маданий савиясини кўтариш учун ташкил этилган. Бу Ғарбий Европа мамлакатларида оммалашган рок-мусиқаси таъсири остидаги ижод тури эди. [5] “Ўзбекистонда рок-мусиқасининг ривожланиши 60-йилларнинг иккинчи ярмида, асосан талабалар муҳитида Ғарб рок-гуруҳларига тақлид қилган ҳолда пайдо бўла бошлаган (“Киберги”, “Спектр”, “Скифы”, “Сигма” ва бошқалар)”. [3] Халқимиз орасида машҳурликка эришган “Ялла” вокал чолғу ансамбли ҳам айни мана шундай янги ижодий жараёнда юзага келди. Илк номи “ТТСИ” (Тошкент театр ва санъат институти) деб номланган бу гуруҳ аввалига икки кишидан (Герман Рожков и Евгений Ширяев), кўп ўтмай яна беш нафар иштирокчилардан (Сергей Аванесов, Баходир Жўраев, Шахбоз Низамутдинов, Дмитрий Цирин, Али-Аскар Фатхуллин) иборат эди. Репертуари атиги иккита кўшиқдан иборат бўлган “ТТСИ” гуруҳи Тошкент шаҳрида ўтказиладиган танловларинг бирида ғолиб бўлади ва тез орада унинг таркиби иқтидорли ёшлар билан янада тўлади (Равшан ва Фаррух Зокировлар). Янги таркиб янги ғояларни амалга оширди, ва тез орада гуруҳнинг ижро дастурида ҳилма-ҳил кўшиқлар пайдо бўла бошлади. Кўп ўтмай, “Ялла” вокал чолғу ансамбли донғи кетган гуруҳга айланди ва ноёб, ўзбекона оҳангларга бой кўшиқлари билан дунёни забт этди.

Гуруҳ ижросидаги 70-йилларнинг машҳур кўшиқлари орасида электр чолғулар ёрдамида қайта ишланган ва янгича услубда аражировка қилинган кўплаб халқ кўшиқларини мисол келтирсак булади: “Бойчечак”, “Яллама ёрим”, “Ҳандалак”, “Рамазон”, “Юмалаб-юмалаб”, “Мажнунтол”, “Торимнинг сири” ва бошқалар. Бу кўшиқлар куйчан, ёрқин, шижоатли, рақсбоп ва ранг-барангдир. Албатта, бу кўшиқларнинг ажралиб туришига сабаб аранжировка жараёнида миллий унсурларни (элементларни) сақлаш ва халқ чолғулари ёрдамида ифода этилганлигидир. Ушбу кўшиқларда най, дойра, рубоб, уд, танбур каби чолғулар садоларини тинглаймиз. Гуруҳ ижросида ўзбек фольклоридан ташқари Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқ кўшиқларини тинглаш мумкин ва уларнинг

аранжировкасида миллийлик белгиси сифатида халқ чолғулари муҳим аҳамият касб этади. Қизиғи шундаки, бу кўшиқлар турли даврларда қайта ишланган ва ҳар сафар янги аранжировкада янгича услуб, янги чолғулар қўлланган, аммо кўшиқлардаги миллийлик сақланиб қолган.

Жаҳон оммавий мусиқа маданияти ривожланиши давомида ўзбек эстрадаси ҳам жадал ривожланиб, янги услуб ва йўналишлар билан бойиб борди. [2] XX асрнинг 80-90 йилларига келиб ўзбек эстрада саҳанларида янги овозлар янграй бошлади - Н.Абдуллаева, Ғ.Ёқубов, К. Қаюмов, Ю.Усмонова, “Садо”, “Қарс”, “Нола”, “Наво”, “Сато” ва бошқа кўплаб яккагон ва гуруҳли ижодкорлар ўз ижод намуналарини муҳлисларга тақдим этдилар. Юқорида қайд этилган хонандалар ижоди нафақат юртимизда балки, хорижда ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг репертуаридаги кўшиқлар халқ мусиқаси анъаналарини ёрқин ифода этувчи кўрсаткичлар - парда-лад тизими, ритмик-усул, ғоявий-мазумний ва албатта миллий чолғулар оҳанги билан моҳирона уйғунлаштирилиб, замонавий қиёфада тингловчиларга тақдим этилди. Мисол учун, 90-йилларда халқимиз орасида машҳурликка эришган, ижод йўналиши асосан фольклор мусиқасига таянган “Қарс” гуруҳи репертуарига мурожаат этсак. Иқтидорли хонанда Равшан Намозов раҳбарлигидаги бу гуруҳ тингловчиларга тақдим этган ҳар бир кўшиқ ёрқин миллийлик намунаси десак муболаға бўлмайди. “Кавушим”, “Чупра-далли”, “Ёр-ёроней”, “Гулноржон”, “Алдама”, “Ош” ва яна бир қатор “сурхонча”, “бухороча”, “хоразмча”, “водийча” худудий фольклор кўшиқларининг жозибали, ноёб, янгича сайқалланган кўшиқлари жаз-рок, поп-рок, фольк-рок, фанк, хип-хоп услубларида жилоланиб тингловчиларни ром этган. Равшан Намозов ижросидаги Ғарб оммавий мусиқаси услубларига асосланган мураккаб аражировкадаги кўшиқларида дутор, дойра, танбур, ғижжак, най каби чолғулари иштирок этган. [2] Миллийлик ифодаларидан яна бири - хонанда худуд шеvasига хос талаффузда ижро этганидир. У ижро этган кўшиқлар аранжировкасида дутор, най, танбур каби чолғулар ва миллий зарбли чолғулар кенг қўлланилади. Ўз навбатида Равшан Намозовни ўзбек эстрадасидаги новатор ижодкорлардан десак хато бўлмайди.

Ўзбек эстрадаси тараққиётини фольклор мусиқасидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги эстрада вакиллари халқ мусиқаси ва эстраданинг рақамли йўналишларини синтез қилишда кўплаб тажрибалар ўтказмоқдалар. Эстрада кўшиқларини яратишда халқ мусиқаси шаклларидан, ривожланиш тамойилларидан, метро-ритм ва усулларидан, чолғуларнинг тембр бўёқларидан фойдаланилмоқда. Миллийлик нафаси бўлмаган асарлар кўплаб ўзга мусиқий намуналар орасида “назарга илинмайди”, тадқиқот объекти сифатида қизиқиш уйғотмайди.

Биз рақамли технологиялар даврида яшаймиз. Ушбу технологиялар мусиқа соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Рақамли мусиқа чолғуларининг имкониятлари деярли чексиздир. Илғор технологиялар ва азалий анъаналарнинг уйғунлиги самарали ривожланишни таъминлайди. Анъаналар ва замонавийликнинг уйғунлигига мисол тариқасида таниқли хонанда С.Назархоннинг ижодига мурожаат этамиз.

Хонанда репертуаридан ўрин олган таниқли кўшиқлар аксарият ҳолда ўзбек халқи мусиқий мероси анъаналарига таянади. “Қоралар”, “Ёр-ёр”, “Йўл бўлсин”, “Газли”, “Ўрик гуллаганда”, “Галдир” ва бошқа кўпгина кўшиқларда электрон чолғуларидан кенг фойдаланилган. Шу билан бир қаторда, бу кўшиқлар фольклор асосга эга бўлиб, миллий чолғулар етакчи ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, хонанда ижодида миллийликка берилган урғу уни чет мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ мусиқа мероси ижодиёт турларига асос бўла олади. Бу миллатни, маданиятни ажратиб турувчи ўзига хосликдир. Ўзбек мусиқа маданиятида мусиқий эстрада санъати жанрлари пухта ўрин эгаллаб, тарақиёт жараёнида жадал қатнашмоқда. Ушбу санъатнинг аҳамияти бугунда давлатимиз томонидан эътироф этилиб, ижод сифатини оширишга катта имкониятлар яратилмоқда. “... ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди [1] - дейди муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев. Дарҳақиқат, миллий мерос, анъаналар асосида шаклланган маънавий ҳар қандан ҳолатда эгилмас миллий ғурурга асос бўлади. Миллий ғурур эса, миллат келажагини аниқлашдаги кучдир. Умид қиламизки, илк дамдан бугунги кунгача эстрада санъати билан чамбарчас боғланган миллий мусиқий анъаналари ва чолғулари келажакда ҳам оммавий мусиқий маданиятини ривожланишида аҳамиятли бўлиб, ўзбек эстрада санъати беағи сифатида сақланиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси [Электрон манба. <https://uza.uz>].

2. Аманова Н.А. Поп-рок услубининг ўзбек эстрадасида кўриниши. // Ўзбекистон санъати: тарих ва замонавийлик. Ёш олимларнинг илмий-амалий конференциясининг материаллари. - Тошкент. 2003. С. 79-80.

3. Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. Қўлёзма. - Тошкент: ЎзР ФА СИТИ кутубхонаси, 1994. - М (м) Б-42 инв.№ 931. 61-б.
4. Раджабов И. Трактаты о музыке из собрания восточных рукописей АН РУз. - Ташкент, 2020. С. 38. [Электрон манба. <https://storage.academy.uz>].
5. Цукер А.М. И рок, и симфония. - М.: Композитор, 1993.
6. <https://mytashkent.uz/2013/12/11/tvoj-golos-ya-sly-shu-povsyudu-2/>
7. Батыр Закиров на сцене знаменитой парижской “Олимпиа” | GreyLib: библиотека Хуршида Даврона (align.ru).